



## ҚАДИМГИ БАЙХУАДА БИТИЛГАН МАНБАЛАР ТАВСИФИ

**Хасанова Феруза Мирзабековна**  
Тошкент давлат шарқишунослик  
университети доценти, PhD  
[khasanovaferuza@inbox.ru](mailto:khasanovaferuza@inbox.ru)  
+998909042988

***Аннотация.** Тилнинг маълумот ташувчи восита сифатида гапириладиган бўлса, адабий тил бу тилнинг қозғоғдаги ёзувда акс эттирилишидир, оғзаки нутқ эса тилни оғизда яъни гапириш орқали акс этишидир. Оғзаки ва ёзма нутқ тил услубларига кўра фарқланади, оғзаки нутқ замон билан биргалликда ривожланиб, бойиб боради, адабий тил эса меъёрга кўра батафсил сайқалланиб боради. Тилнинг коммуникатив восита сифатида гапирилса, оғзаки ва ёзма маълумот алмашиш воситалар сифатида фарқланади. Оғзаки тил нутқнинг оғзаки шакли бўлса, адабий тил ёзма шаклидир, бироқ оғзаки нутқни ҳам ёзиб олиб, адабий тилда ифода этиш мумкин, масалан драматик асарлардаги диалоглар; аксинча адабий тилни оғзаки нутқда ифодалаш мумкин, масалан янгиликларни узатишида. Оғзаки нутқ гапириш ва эшитиш тили, адабий тилнинг асоси, шунингдек адабий тилнинг манбаидир; ёзма нутқимиз эса оғзаки нутқ асосига қурилган бўлиб, ёзиш ва кўриш тилидир, ёзув воситасида маълумот etkазувчи манбаидир. Умуман олганда, оғзаки нутқ тилнинг табиий шакли, адабий тил оғзаки нутқнинг қайта ишланган, лекин адабий тил оғзаки нутқ илк шаклининг акси эмас, балки қайта ишланган шаклидир.*

***Калит сўзлар:** оғзаки ва ёзма нутқ, вэнян, байхуа, ўрта аср хитой тили.*

**Кириш.** Хитой тилшунос олимларидан бири Люй Шусян ўзининг “Хитой тили грамматикаси очерки” номли илмий рисоласида қуйидаги фикрларни келтиради: “Агарда ҳар ҳар бир даврнинг ёзуви оғзаки нутқнинг ўзгаришига кўра ўзгариб борганда, Жоу (эр.ав. 1046 - 221йй.) ва Чин (эр.ав. 221-207йй.) давридаги одамлар шу давр тилида мулоқот қилганлиги боис, ўзларининг ёзувидан фойдаланар эдилар; Тан (618—907йй.) ва Сун (960-1279йй.) давридаги одамлар ҳам ўз даври тилида гапириб, ўз ёзувидан фойдаланар эдилар. Яъни, ўша даврнинг нутқига мос ёзув бўлар эди. Бу ҳолда масала анча енгил кечган бўларди. Бироқ, Жоу ва Чин даврига келиб, ёзув ва оғзаки нутқ орасида узилиш пайдо бўлди. Асар муаллифлари Жоу ва Чин давридаги ёзма тилдан фойдаланиш ва шу ёзувга тақлид қилишни бошладилар. Натижада “*Вэнянвэн* ёзма адабий тил” вужудга келди. Вэнян ни яъни “gǔ wén – эски ёзма адабий тил” деб ҳам номлашади. Оғзаки мулоқот тилини эса “байхуавэн – яъни кенг омма фойдаланадиган тил” деб аташади<sup>1</sup>.

**Назарий қисм.** Қадимги хитой тилида адабий тил “вэнян” ва “байхуа” каби икки тизимга ажратилади.

Хитойлик тилшунос Дзянг Шаоюй вэнян ва байхуага қуйидигача таъриф беради:

<sup>1</sup>吕淑娴。中国语法要略。商务印书馆出版社。1956年。26-27页。



“20世纪初的新文化运动反对文言文，提倡白话文，“白话文”与“文言文”相对而言，其涵义是很明确的。XX асрнинг бошларида янги маданият ҳаракати вэнян тилига қарши чиқди ва байхуани қўллаб-қувватлаш ташаббусини илгари сурди. Вэнян тили ва байхуа тилларини қиёслашга кўра, ҳар иккисининг ҳам маъно – мазмун англатиши жуда аниқ”<sup>2</sup>.

Яна бир тилшунос Ху Ши байхуани қуйидагича изоҳлайди: *我从前曾经说过，‘白话’有三个意思：一是戏台上说白的‘白’，就是说得出，听得懂的话；二是清白的‘白’，就是不加粉饰的话；三是明白的‘白’，就是明白晓畅的话。以这三个标准，我认定《史记》《汉书》里有许多白话，古乐府歌辞大部分是白话的，佛书译本的文字也是当时的白话或很近于白话，唐人的诗歌——尤其是乐府绝句——也有很多的白话作品。 Мен азалдан шуни айтиб келманки, “байхуа”нинг учта маъноси бор: биринчидан бу сахналарда айтиладиган 说白 монолог тарзида содда сўзлар билан айтиладиган проза, яъни сўзлаб бериладиган ва тушуниладиган гаплар; иккинчидан: 清白 яъни “тоза; соф” маъноларини англатувчи сўзидаги софлик; учинчиси: 明白 “тушунмоқ; билмоқ; идрок этмоқ” сўзларидаги моҳиятини тушуниб етадиган сўздир. Ушбу учта маъёрга асосланиб эътироф этишим мумкинки, “史记” ва “汉书” каби тарихий солномаларда жуда кўп байхуага оид лексика мавжуд, қадимги юэфу шеърларида, Буддизм дини ахкомлари таржималарида айнан шу даврга хос бўлган ёки шу даврга яқин бўлган ёзувларда, Танг сулоласи даври қўшиқ ва тўртлик шеърларида жуда кўплай байхуа асарлари мавжуд”<sup>3</sup>.*

Ўзбек хитойшуноси С.Мустафаева хитой адабий тили вэнянга қуйидагича таъриф беради: “Вэнян – қадимги хитой адабий тилининг ёзма шакли. Дастлаб Чин сулоласи оғзаки тили асосида шаклланган. Хан сулоласи давридан кейин секин-аста оғзаки тил шаклидан узоқлашиб борган, айниқса Тан - Сун сулолалари давридан бошлаб вэнян ва оғзаки мулоқот тил ўртасидаги тафовут анча катта бўлган. XX аср бошларида, “4 май ҳаракати”дан кейин унинг ўрнини байхуа эгаллади<sup>4</sup>.

“Байхуа”- Хитой ёзма тили. Турли тарихий даврларда оғзаки тил шаклига яқин бўлгани билан ажралиб туради. Тан даври новеллалари , Сун, Юан, Мин,

<sup>2</sup> 蒋绍愚. 也谈文言和白话. : 《清华大学学报: 哲学社会科学版》2019年第2期. <http://lib.cqvip.com/>

<sup>3</sup> 胡适《白话文学史》。武汉大学出版社。2014年。第14页

<sup>4</sup> С.Мустафаева. Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли луғати. Тошкент, ТДШИ, 2014 й., 96



Чин сулолари даври прозаси, романлари ва бошқа халқчил бадий асарлар байхуада ёзилган. Сун ва Юан сулоларидан кейинги даврларда қатор илмий ва иш юритиш хужжатлари ҳам шу тилда битилган. Хитой шимолий шевалари оғзаки шаклига яқин. Аммо у асарлар қадимги хитой тили вэнянга тегишли бўёқдорликни ҳам ўзига жамлаган бўлиб, бугунги кунда биз байхуа деб айтаётган тил, замонавий хитой тилининг ёзма нутқ шаклини ўзида намоён этади. Ўз хусусиятлари, тилда юз берган тараққиёт сабаб, Тан, Сун, Юан, Мин, Чин сулоларидан давридаги байхуа фарқланади<sup>5</sup>.

Юқорида келтирилган таърифлардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаб ўтишимиз мумкинки, вэнян вадимги адабий хитой тили бўлиши билан бирга, уни мумтоз хитой тили деб ҳам эътироф этишимиз мумкин. Чунки хитой мумтоз адабиёти айнан вэнянда ёзилган. Байхуани эса нисбатан содда тилда, кундалик муомалада бўлган, оғзаки мулоқот тили деб айта оламиз. Бир тилнинг икки реалияси ёзувда иероглифлар билан акс эттирилган.

Хитой тили *hànyǔ* – Хан миллатининг тили. Ушбу тилни ёзма шаклини *zhōngwén* деб атаيمиз.

Қадимги байхуа – оғзаки нутқ Чин (秦) ва Хан даври<sup>6</sup>даги оғзаки нутқ асосида шаклланган, хитой тилшунос олимларининг таъкидлашича, ушбу даврдан кейинги даврда янги сўзлар, янги тушунчалар ва гапнинг янги шакллари пайдо бўла бошлаган<sup>7</sup>.

Қадимий хитой тили-“замонавий хитой тили”нинг ота-бобоси бўлиб, 1919 йил 4 май ҳаракатидан олдинги тарихий жараёндаги хан миллатининг умуммиллий тили ҳисобланади. Бу тил замонавий хитой тили билан умумий тил асосига эга, луғатшунослик ва грамматика тузилиши ҳам ўзаро мослашади; бироқ лексик тизим ва оғзаки тил нуқтаи назаридан замонавий хитой тилидан катта фарқ қилади. Қадимги хитой тили одатда қадимги ёзма тилни ифодалайди, “вэнян” ва “қадимги байхуа” ни ўз ичига олади. У аввалги даврлар тиллари хусусиятларини ўзида мужассамлаштириб, гоҳида ўта мураккаб ғоялар ёзма баёнининг турли тил усулларини ишлаб чиққан<sup>8</sup>

Дзянг Ланшэннинг “Қадимги оғзаки нутқнинг асосий тавсифи” номли асарида таъкидлашича: “Қадимги оғзаки нутқ билан хитой тили тарихини

<sup>5</sup> Ўша манба, 6-бет

<sup>6</sup> 秦汉 даври эрамиздан аввалги III асрдан то эрамизнинг III асригача бўлган даврни қамраб олади.

<sup>7</sup> 徐时仪. 汉语白话史. 北京大学出版社. 2015年. 21

<sup>8</sup> М.Х. Махмутхаджаев, М.А. Туратова. Хитой тили тарихий фонологияси. Ўқув қўлланма. ТДШИ, Т., 2009 й., 54-бет



даврлаштиришда узвий боғлиқлик бор. Узок даврлар давомида олий таълим муассасаларида хитой тили фақатгина “қадимги хитой тили” ва “ҳозирги хитой тили”га ажратиб ўқитилиб келади. 4 май ҳаракатидан олдинги даврга оид тил “қадимги хитой тили” деб аталади. Бу ажратма вэнян ва байхуа орасидаги фарқни эътибордан қолдириб кетган, хитой тили тажрижий ривожининг тарихий босқичлари аниқ ажратиб кўрсатилмаган, шунга кўра бу ажратиш илмий аҳамиятга эга эмас”<sup>9</sup>, деб таъкидлайди.

Ху Жу’ан “Ўрта асрлар оғзаки нутқи ва қадимги матнлар изоҳи тадқиқи” номли илмий тадқиқотида ўрта асрлар оғзаки нутқини даврлаштиришда турли тилшуносларнинг даврлаштириш меъёрлари бир хил эмаслигини таъкидлайди. Чунки лексик–семантик мутаносиблик тилнинг, айниқса оғзаки нутқнинг энг фаол қисмларидандир. Ҳар бир ҳодисада соннинг ўзгаришидан сифатнинг ўзгаришигача бўлган жараёни камраб олади. Тилшунослик ривожидagi ўзгаришларнинг асосий факторлари товуш ва семантик ўзгаришларнинг ўзига ҳослиги, тил ички қурилмасининг ҳар соҳасида ўзига ҳос мустақилликнинг мавжудлиги, бу каби тил феноменларини хитой тили тарихини даврлаштиришдаги факторлар сифатида қарайдиган бўлсак ҳам тафовутлар, яъни босқичма босқич тафсилотларнинг етишмаслигини кўришимиз мумкин.

Юқоридаги фикрларга таяниб, қадимги хитой тилини даврлашда 文言 вэнян ва байхуа каби икки жабҳанинг тажрижий такомил муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимги хитой тилини даврлаштиришга оид бир қатор олимларнинг фикрлари мавжуд бўлиб, ҳар бир фикр ўзининг асосига эга.

Хитой тилшунос олими Ванг Ли “Хитой тили тарихи”<sup>10</sup> номли кўлёмасида қадимги хитой тилини қуйида уч катта ривожланиш даврига ажратади: архаик давр, ўрта асрлар даври ва замонавий давр. Архаик давр эрамизнинг аввалги даврдан то III эрамизнинг асри охиригача; ўрта асрлар даври эрамизнинг IV асридан XII асргача бўлган даврни, замонавий давр XII асрдан XIX асргача бўлган даврни ўзи ичига олади.

Хитойлик тилшунос олим Сюй Ши-и қадимги хитой тилининг икки реалияси вэнян ва байхуа тиллари лексикаси кескин фарқ қилиши нуқтаи назаридан, байхуа тилининг даврлаштирилишига оид фикрларни илгари сурди.

Сюй Ши-и байхуа тилининг вужудга келиш даври, байхуа тилининг ривожланиш даври ва байхуа тилининг етук даври каби уч асосий даврга ажратади ва қуйидаги тартибда даврлаштиради:

<sup>9</sup>江蓝生“古代白话说略”，语文出版社，2000年，第7页。

<sup>10</sup>王力。汉语史稿。上册。中华书局，1980年，第5页



1. Байхуа тилининг вужудга келиш даври эрамиздан аввалги 207 йилдан эрамизнинг 618 йилигача бўлган давр;
2. Байхуа тилининг ривожланиш даври 618 йилдан 1368 йилгача бўлган давр;
3. Байхуа тилининг етук даври 1368 йилдан 1911 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Байхуа тилининг етук даври ўз ичига қариб 500 йиллик муддатни қамраб олади. Бироқ, Цин сулоласи тугатилганидан кейин Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган, расмий хитой адабий тили путунгхуага ўтилгунга қадар, яъни 1911 йилдан то 1955 йилгача 44 йиллик муддатда байхуа хитой тили тарихида катта бурилишларга сабаб бўлди. Биз бу давр хусусида кейинги бобларимизда фикр юритамиз.

Сюй Ши-и “Қадимги байхуа манбалари Танг давригача бўлган халқ озғаки ижоди намуналарини ўз ичига олади”, деб ёзади<sup>11</sup>. Ушбу даврларга мансуб байхуа манбаларига нималар қиради?

**Асосий қисм.** Биринчидан, оғзаки нутқдан ёзиб олинган бадий асарлар: масалан Дунхуан бяньвен<sup>12</sup>лари, Сун Юан даври (960—1368йй.) хуабен<sup>13</sup>лар ва пинхуа<sup>14</sup>лари, Дзин Юан (1115-1368 йй.) сулоласи даврига мансуб джугонгдяо<sup>15</sup>лар, Юан даври (1271-1368 йй) задзюй<sup>16</sup>лари, Мин Чин (1368-1644 йй.) даври байхуа романлари;

Иккинчидан, айна бир даврнинг маълум бир эҳтиёж учун оғзаки нутқдан ёзиб олинган аниқ фактлар. Масалан: неоконфуцийчилик юйлу<sup>17</sup>лари, буддавийлик юйлулари, дипломатик ёзувлар, суд ҳужжатлари, суҳбат баёнлари;

---

<sup>11</sup>徐时仪。汉语白话史。北京大学出版社。2015年，31页。

<sup>12</sup>敦煌变文biàn wén – бирон ҳикоя ёки тарихий воқеани оғзаки баёни. Ушбу жанрда хикоянинг назмий қисми кўшиқ қилиб куйлаб, насрий қисмини баён этиб сўзлаб бериш. Бяньвен жанрига асосан Буддавийлик динига оид хикоялар, тархий воқеалар ва фольклор намуналари мансуб. Илк бяньвенлар Цин даврига келиб Дунхуан ғорларидан топилган. Уларни Дунхуан бяньвенлари деб номланган.

<sup>13</sup>宋元话本Сун Юан сулолалари даври хуабенлари – бу жанрда хикоялар оғзаки сўзлаб берилган, бундан ташқари хуабенларга соялар театри, кўғирчоқ театри ҳам хуабен жанрига мансуб бўлган.

<sup>14</sup>平话 пинхуа - Сун даврида жуда урф бўлган, бадий асар ёки тарихий воқеани оғзаки ифодали гапириб бериш санъати.

<sup>15</sup>金元诸宫调 Дзин Юан сулоласи давридаги джугонгдяолар – пипа мусикий асбоб жўрлигида бирон хикояни кўшиқ қилиб айтиш халқ анъанавий санъати.

<sup>16</sup>元杂剧 Юан даври задзюйлари – Сун даврида юзага келиб, Юан даврида кенг тарқалган жанрлардан бири. Ўша даврга мансуб ёзувчиларнинг асарларини куйлаб ижро этилган. Юан драмаси номи билан ҳам юритилади.

<sup>17</sup>语录 юйлу – ёзиб олинган нутқ. Буддавийлик дини аҳкомлари баёни - юйлулар асосан Будда динининг Хитойда ёйилиши ва тарғиб этилиши билан боғлиқ. Бундан ташқари Шимолий Сун даврида дипломатик музокалар олиб боришда юйлу оғзаки мулоқот воситаси ҳисобланган.



Учинчидан, айрим вэнянда ёзилган асарлар ичида байхуа материаллари, жумладан, шеър, кўшиқ ва нутқларда ўша давр оғзаки нутқини ўзида акс эттирган тарихий биографик маълумотлар, тошларга ўйиб ёзилган битикларда ҳам оғзаки мулоқот тили байхуага мансуб матнларни учратишимиз мумкин<sup>18</sup>.

Пинхуа терминининг изоҳи хитой тилшунослиги тарихи бўйича тадқиқотларда турлича талқин этилади. Бироқ, турли изоҳ ва талқинлардан бир нарсани эътироф этиш мумкинки, пинхуа жанри авваломбор тарихий баёнлар, яъни, Сун давридаги *jiǎngshǐ* номи билан юритилганлигини кўришимиз мумкин<sup>19</sup>. Бунда *jiǎngshǐ* даги *jiǎng* “гапирмоқ, сўзламоқ”, *shǐ* “тарих” маъносини англатиб, тарихни сўзламоқ демакдир.

И.С.Гуревичнинг таъкидлашича, ушбу жанр бўйича хитой тилшунослиги тарихи ва бошқа хитойшунослик мактабларида олиб борилган тадқиқотлар кам ёки деярли мавжуд эмас. Бироқ, манбаларни кузатар эканмиз, мазкур масала юзасидан оз бўлсада, илмий ишлар мавжудли ва тадқиқотларда шу масалаларга ҳам тўхталиб ўтилганлигини, ҳусусан, хитойлик тилшунос олимларининг бир қатор илмий тадқиқотлари<sup>20</sup> ва рус хитойшунос олим Рифтин Б.Л., Павловская Л.К.ларнинг, шунингдек, Гонконглик хитойшунос олим Лиу Цунян, америкалик хитойшунос олим Дж.Крамп<sup>21</sup>ларнинг илмий ишларида пинхуа жанри ҳақида фикр юритилганлигини кўришимиз мумкин<sup>22</sup> ва мавзуимиз доирасида биз ана шу илмий тадқиқотлар натижаларига таяндик.

**Амалий қисм.** Павловская Л.К. пинхуаларни: “пинхуалар тилнинг икки жабҳаси синтези натижасида юзага келган бўлиб, булар ёзма (расмий тарихшунослик ва мумтоз наср) ва оғзаки (фолклор) омухтасидир. Пинхуалар асосан халқ ҳикоячилариларнинг ижоди бўлиб, давлат тарихи сюжетлари

<sup>18</sup>徐时仪。汉语白话史。北京大学出版社。2015年，31页。

<sup>19</sup>И.С.Гуревич. К характеристике языка памятников жанра *пинхуа* (平話) периода Сун-Юань. // Письменные памятники востока. “Наука”, 1 весна-лето 2004., стр. 108.

<sup>20</sup>李亦辉。论《武王伐纣平话》成书的方式，时间及地域》。学术交流。中国古代文学研究。// (C) 1994-2020 China Academic Journal Electronic Publishing House. <http://www.cnki.net>. 2011年1月总第202期，159页；李亦辉。怪力乱神的多源汇聚—

论《武王伐纣平话》的整体艺术构思及其民间叙事特征。温州大学学报(社会科学版); 2011年06期；伏建春；《武王伐纣平话》双音词研究。西华师范大学，2019年；江揽生。《古代白话略》，北京：语文出版社，2000年；曹而云。《白话文体与现代性》，上海：上海三联书店。2006年；赵克勒。《古汉语书面语与口语的关系》，《中国语文天地》，第3期。

<sup>21</sup>Crump J.K. Some Problems in the language of the “Shinbien Wuday Shyy Pijng-huah” (vol. 1-2). Doct. Diss. New Haven. Yale University, 1950 (unpubl).

<sup>22</sup>Б.Л. Рифтин. Историческая эпопея и фольклорная традиция в Китае. М., 1970; Рифтин Б.Л. От мифа к роману. М., 1979; Liu Tsun Yan. В uddhist and Taoist Influences on Chinese Novels. Wiesbaden, 1962; Л.К.Павловская. Пинхуа – народный исторический роман. (На материале “Заново составленного пинхуа по истории пяти династий”). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Л., 1975 г.



баёни, сўзлаб бериш маҳоратидир, пинхуалар асосида тарихий фактлар ётади”- тариха изоҳлаган.

Хитой ривоят насрига халқ оғзаки ижоди “пинхуа” катта таъсир кўрсатди<sup>23</sup>.

Ҳозирда Хитой манбашунослигида пинхуага мансуб бир асар мавжуд бўлиб, ушбу асар “Қайта тикланган беш сулола тарихи пинхуалари (新编五代史平话)” номи билан юритилади ва ўз ичига қуйидаги беш пинхуа асарини қамраб олади.

1) У қиролининг Чжоу га қарши кураши баёни (武王伐紂平話). Мазкур манба асосида Хитой тарихига оид реал воқеалар баёни ётади. Чжоу қабиласи қирол У бошчилигида Ин сулоласи Чжоу Син билан кураши баёни;

2) Етти қироллик баҳор-кузлари баёни (七國春秋平話)– ушбу тарихий манбада эрамиздан аввалги VII-III асрда Хитойдаги курашлар ва натижада Цин сулоласининг вужудга келиши ҳақида баён этилади.

3) Чин сулоласи олти подшоҳликни бирлаштиргани ҳақида пинхуа (秦併六國平話). Пинхуада баён этилаётган тарихий воқеалар эрамиздан аввалги III асрда бўлиб ўтган. Пинхуанинг сарлавҳасидан кейин Чин императорининг ҳаёт йўли баён этилган.

4) Эрамиздан аввалги III-II асрларда Хан сулоласининг илк давридаги бошқаруви ҳақида баён этувчи пинхуа (前漢書平話).

5) Уч шохлик тарихи ҳақида пинхуа (三國志平話). Ушбу манбада эрамизнинг II-III асрларида Хан сулоласининг инқирозга юз тутиши ва Уч шохликка бўлиниши ҳақида баён этилади<sup>24</sup>.

Манбаларни кузатар эканмиз, байхуа тилининг вужудга келиш даври, яъни эрамиздан аввалги 207 йилдан эрамизнинг 618 йилигача бўлган давр мобайнида, байхуада ёзилган ушбу манба мисолида, Ванг Лининг қадимги хитой тилида икки ёзма адабий тил тизими мавжудлиги ҳақидаги фикрини эътироф этишимиз мумкин<sup>25</sup>. Ушбу фикрни Л.К.Павловская ҳам таъкидлайди ва : “У қиролининг Чжоу га қарши кураши ҳақида пинхуа (武王伐紂平話) матнида икки пластнинг аниқ чегараси ажралиб туради: тарихий фактлар баёни ва воизлар ўзлари баён этган қисми (воизлар асосан фольклор материалларидан кенг фойдаланганлар), бундан ташқари матн тилида икки қатлам мажуд: бири –

<sup>23</sup>Ж. Зиямухамедов. Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2016 й., 47 бет

<sup>24</sup>Павловская Л.К. Заново составленное пинхуа по истории Пяти династий. //Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XVIII годичная научная сессия. «Наука», М., 1985 г., стр. 21

<sup>25</sup>王力. 汉语史稿. 上册. 中华书局, 1980年, 第8页



тарихий фактлар баён этилган қисмида адабий тил вэнян бўлса, воизлар баёнида оғзаки нутқ – байхуа кузатилади. Байхуада асосан ушбу пинхуаларда номлари тилга олинган қаҳрамонларнинг тавсифи келтирилади. Пинхуада шеърӣ киритмалар ҳам мавжуд”<sup>26</sup>.

Тарихий мавзуларни маъқул кўрган ровийларнинг ижроси кунлаб, баъзан ҳафталаб, ҳатто ойлаб давом этган. Уларнинг қиссалари пинхуа, яъни “оддий ҳикоя” деб номланган. Бизгача етиб келган пинхуаларидан “Беш сулола ҳақида янгидан тузилган оддий ҳикоя”ни алоҳида қайд этиш жоиз<sup>27</sup>.

Б.Л.Рифтин юқорида номлари санаб ўтилган пинхулар орасида “У қиролининг Чжоу га қарши кураши ҳақида пинхуа (武王伐紂平話)” бошқа пинхуаларга нисбатан камроқ тарихий реал воқеалар билан йўғрилган бўлиб, бу манба кўпроқ фольклорга, сеҳрли эртаққа яқинлигини эътироф этади.

Пинхуа матни уч қисм (卷) дан иборат бўлиб, матнни кўздан кечириш жараёнида унда Лючао даври<sup>28</sup>га мансуб тафсилотлар устуворликка эга эканлигини, бошқача қилиб айтганда, “У қиролининг Чжоу га қарши кураши ҳақида пинхуа (武王伐紂平話)” умумий ҳажми 1900 белги (иероглиф)дан иборат<sup>29</sup> матнда вэнян элементларининг устуворлигини, шу билан бирга байхуага хос бўлган хусусиятларнинг деярли учрамаслигини қайд этиш мумкин<sup>30</sup>. Матнда байхуадаги кўрсатиш олмоши 这zhè нинг ўрнига аксарият ҳолларда 此cǐ кўрсатиш олмошининг ишлатилганлиги, аниқловчини ифодалайдиган байхуадаги 的 эмас, вэняндаги 之zhī, иккинчи шахс кишилик олмоши вэняндаги 卿qīng, учинчи шахс кишилик олмоши вэняндаги 之zhī, каби лексик бирликларнинг қўлланишни устуворликка эгадир. Бундан ташқари, 何сўроқ олмоши иштирокида 若何ruòhé қандай?, 如何rúhé қандай?, 何如héú қай тариқа?, 何人hérén ким? каби сўроқ сўзлари, “...да”, “ичида” маъноларини ифодалашда 里lǐ кўшимчаси ўрнида 内nèi кўшимчаларининг қўлланилганлиги матнда байхуа элементларининг вэнян элементларига қараганда суслиги кузатилади<sup>31</sup>.

<sup>26</sup>Павловская Л.К. Заново составленное пинхуа по истории Пяти династий. //Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XVIII годичная научная сессия. «Наука», М., 1985 г., стр. 11

<sup>27</sup>Ж. Зиямухамедов. Пу Сунглинг ва ўрта аср Хитой новеллалари. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент. 2016 й., 59 бет

<sup>28</sup>Жанубий ва Шимолий сулолар даври (420-589 йй.)

<sup>29</sup>李亦辉. 论《武王伐紂平话》成书的方式, 时间及地域》. 学术交流. 中国古代文学研究. // (C) 1994-2020 China Academic Journal Electronic Publishing House. http://www.cnki.net. 2011年1月总第202期, 160 页

<sup>30</sup>И.С.Гуревич. К характеристике языка памятников жанра пинхуа (平话) периода Сун-Юань. //Письменные памятники востока. “Наука”, 1 весна-лето 2004., стр. 112

<sup>31</sup>Ўша манба.





Матнни кейинги беш саҳифасида вазият ўзгариб боради, байхуага оид хусусиятлар мавжудлиги ҳам кузатилади. Ушбу байхуа элементлари орасида 了 морфемасининг фаол қўлланилганлиги кўзга ташланади. Матнда 了 морфемаси билан бирикиб келган феълларга И.С.Гуревич бир қанча мисоллар келтиради ва пинхуа матнинг 6-7-18-68-қисмларида 了 морфемаси нисбатан кўпроқ учрагани, феъл замонини ифодаловчи 着 морфемаси ҳам натижани кўрсатувчи, ҳам ҳолатни кўрсатувчи модификатор вазифасида келиши мумкинлигини айтиб ўтади<sup>32</sup>.

着 морфемаси иштирокида ясалган феъл шакли, асосан ҳаракат натижасида юзага келадиган ҳолатни ифодалаган. Ушбу морфема *zhao* тарзида талаффуз этилган. Ҳозирги хитой тилида эса мазкур морфемани икки хил талаффузи мавжуд бўлиб, ҳолатни ифодалашдан ташқари, натижавий феълни ҳам ифодалайди. Ҳолатни ифодалашда *zhe* тарзида талаффуз қилинса, натижавий феъл вазифасида *zhao* тарзида талаффуз қилинади. Ушбу морфеманинг талаффузига оид Я.Прушек қуйидагича фикр билдирган: “Қадимги хитой тилида *zhe* ва *zhao* морфемалари фарқланмаган, ушбу морфема *zhao* тарзида талаффуз этилган”<sup>33</sup>.

Пинхуа матнларида каузатив конструкциялар (使役结构) нинг қўлланилиш частотаси юқори бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Каузатив кўрсаткичи сифатида энг кўп частотага эга бўлган 交 билан бирга яна 叫 морфемаси жуда кўп қўлланилган. Бундан ташқари айрим ҳолларда феълнинг каузатив конструкциялари 使, 令, 让 ёрдамчи сўзлари иштирокида ҳам ясалганлигини кўриш мумкин.

Қадимги байхуада ёзилган пинхуа матнларида асосан қариндош-уруғ терминларининг иккиланганлигини, яъни редупликатив атамаларни ҳам кузатилади. Бир от сўз туркумига мансуб бир бўғинли сўзларнинг иккиланиши (редупликация) “ҳар бир”, “ҳамма” маъноларини англатиб келади<sup>34</sup>.

Пинхуа матнларида мажҳул нисбат асосан 被 *bèi*, кам ҳолларда 蒙 *méng* олд кўмакчилари билан ифодаланган<sup>35</sup>.

<sup>32</sup> Гуревич И.С., Зограф И.Т. Хрестоматия по истории китайского языка. III-V вв. Москва, «Наука». Главная редакция восточной литературы. 1982 г. 22-стр.

<sup>33</sup> Prushek J. Quelques remarques sur les aspects en chinois // Archiv Orientalni. 1950, vol. 18. № 1-2

<sup>34</sup> 伏建春;《武王伐纣平话》双音词研究;西华师范大学;2019年,第102页 <https://www.cnki.net/>

<sup>35</sup> И.С.Гуревич. К характеристике языка памятников жанра пинхуа (平话) периода Сун-Юань. // Письменные памятники востока. “Наука”, 1 весна-лето 2004., стр. 116



Айнан шу давр байхуа тилидага ёзма манбаларга хос бўлган айрим олмошлар хусусида қуйидаги маълумотларни келтириш мумкин:

Олмошлар: 我 биринчи шахс кишилик олмоши бу матнларда асосан қариндош-уруғ терминлари билан бирикиб, 俺 тарзида учрайди<sup>36</sup>, масалан:

俺爷爷ǎn yéyé - менинг бобом; 俺父ǎn fù- менинг отам; 俺女婿ǎn nǚxù – менинг куёвим каби; иккинчи шахс кишилик олмоши 你 нинг хурмат шаклидаги您 ўрнига, пинхуа матнларида 恁nèn тарзида; шунингдек, ўзлик олмоши 咱zá - ҳозирги自己 сўзи, “ўз, ўзим” каби маъноларни англатувчи олмош: 咱每zá měi “ўзимиз”, 咱每生zá měi shēng –“хар биримиз” тарзида қўлланилган;

Жонсиз предметлар учун сўроқ олмоши (ҳозирги хитой тилидаги 什么?)甚shén, 甚底shèndǐ, 甚的shèndì, 甚麼shénma билан ифодланган бўлса 甚麼shénma сўроқ олмоши эса айнан ҳозирги什么shénma нинг ўзи.

Қадимги байхуада ёзиб қолдирилган ёдгорликлардан яна бир тури Буддавийлик таълимоти юйлуларидир. Бевосита ушбу терминнинг семантик маъносига қарайдиган бўлсак, 语录yǔlù “нутқнинг расмий ёзма баёни”, яъни语yǔ “нутқ”, 录lù “қайд этмоқ” нутқни расман қайд этмоқ” маъноларини англатади.

Россия хитойшунос олимаси И.С.Гуревичнинг “临济录línjì lùЛин-жи лу” номли қадимги юйлуларнинг тадқиқига бағишланган мақоласида қуйидаги фикрларни билдиради: “Ҳаммага маълумки, Буддавийлик дини Хитойга эрамиздан аввалги I-асрда кириб келган. Хитойда Буддавийликни тарқалишида миссионер-монахларнинг ҳиссаси жуда катта, улар савдогар ва хунармандлар билан бирга Хитойда санскритда ёзилган Буддавийлик дини сутраларини хитой тилига таржима қилиб, оғзаки баён этиб юришган ва шу билан бу динни тарғиб қилишган.

Будда динига оид сутраларнинг хитой тилига илк таржималарини айнан оғзаки нутқ намуналари сифатида тавсифлаш ҳам буткул тўғри эмас. Лекин шу даврга оид ёзма ёдгорликлар орасида Буддавийлик дини аҳкомлари шу даврнинг оғзаки нутққа энг яқин бўлган деб дадил айта оламиз”<sup>37</sup>

<sup>36</sup> Гуревич И.С., Зограф И.Т. Хрестоматия по истории китайского языка. III-V вв. Москва, «Наука». Главная редакция восточной литературы. 1982 г. 25-стр.

<sup>37</sup>И.С.Гуревич. Роль письменных буддийских источников для исследований в области исторической грамматики китайского языка. //Розенберговский сборник. Востоковедные исследования и материалы.С.-Петербург. 2014. Стр.157



Буддизм дини воизлари ваъзларини имкон қадар кўпроқ оммага етказиш ва оммани жалб мақсадида оғзаки нутққа мослаштиришга уринишганлар. Шунга кўра, III–V асрларга мансуб бўлган Буддизм сутралари айнан шу давр оғзаки нутқини тадқиқ этиш учун энг маъқул манба сифатида эътироф этишимиз мумкин. Буни оддий мантиқ билан ифода этиш ҳам мумкин: эҳтимол ваъз тингловчиларининг қизиқишларини уйғотиш ва имкон қадар кўпроқ одамни шу динга жалб қилиш учун воизлар ўз нутқларини оғзаки нутққа яқинлаштиришга ҳаракат қилгандирлар.

III–V асрларга мансуб бўлган ана шундай манбалардан бири “Судана шахзодаси ҳақида сутра (太子須達拏經)” нинг хитой тилига таржимасидир. Мазкур манба хитой тилига бир неча марта таржима қилинган. Манба ҳақида Хитойда Буддизм дини тарихи бўйича йирик мутахассис олим К.С.Чен қуйидаги фикрларни билдиради - “Судана шахзодаси ҳақида сутра (太子須達拏經)” си жуда кенг тарқалган манбалардан бири. Ушбу сутра санскрит тилидан хитой тилига бир неча марта таржима қилинган. 385–431 йилларда Шэн Цзян томонидан хитой тилига таржима қилинган сутра энг аниқ ва мукамал таржима сифатида қабул қилинган. Сутра таржимони Шэн Цзян ҳақида маълумотлар жуда кам бўлиб, унинг ҳозирги Хитойнинг Шимоли-Ғарбидаги Гансу провинцияси, Ланжоу шаҳридан эканлиги маълум ҳалос. Шэн Цзян ушбу сутрадан ташқари, яна тўққиз сутрани таржима қилганлиги маълум”<sup>38</sup>.

Ушбу ёзма ёдгорликларнинг грамматик структурасини ўрганишга киришар эканмиз, қадимги хитой тили грамматикасининг ривожланиши ҳақида маълумот берувчи, III–V асрлар хитой оғзаки тили байхуага мансуб жуда бой грамматик материални қўлга киритамиз<sup>39</sup>.

Қадимги хитой тилининг мазкур даврига мансуб манбаларда мустақил сўз туркумига мансуб феъл олд кўмакчи функциясини ифодадай бошлайди, ва мавжуд бўлган “эски” олд кўмакчиларни муомаладан чиқара бошлади<sup>40</sup>.

Қадимги хитой тилида феълнинг грамматикализацияси натижасида олд кўмакчилар функциясига ўтганлиги боис, айрим тадқиқотчилар, олд

---

38 К.С. Чэнь: Буддизм в Китае: исторический обзор. (Исследования Принстона по истории религий, 1.) хii, 560 с. Принстон, Нью-Джерси: издательство Принстонского университета, 1964. 164-177 стр. Распространено в Великобритании издательством Оксфордского университета. 5.). Бюллетень Школы востоковедения и африканистики, 29 (2), 414-416. DOI: 10.1017 / S0041977X00059280.

<sup>39</sup>И.С.Гуревич. О двух буддийских текстах как источниках китайского разговорного языка III–V вв.// письменные памятники Востока. 1(22).Весна-лето. Наука –Восточная литература, 2015 г., стр.47

<sup>40</sup>И.С.Гуревич. Предлоги в китайском языке III–V вв. н.э. //Страны и народы Востока. Выпуск XI. «Наука», Москва 1971 г., стр.198



кўмакчиларни “次动词 – иккинчи даражали феъл” ёки “副动词- ёрдамчи феъл” терминлари билан ҳам атаганлар<sup>41</sup>.

从“...дан” олд кўмакчиси 战国 даври охири (эр.ав.403-221 йй.) дан бошлаб айнан олд кўмакчи вазифасида ифодалана бошлайди (“эргашмоқ”, “бирга бормоқ” каби маъноларни англатувчи феъл) ва ўша давргача қўлланилган 自 олд кўмакчисини аста-секин муомаладан чиқаради. Бундан ташқари, 从 олд кўмакчиси ҳаракатнинг бошланғич нуқтасини ифодалаб, 来 ва 以来 билан конструкция ҳосил қилади.从 “...дан” олд кўмакчиси воситали тўлдирувчи сифатида “бирон шахсдан” маъносини ҳам ифодалаб келади. 从 олд кўмакчиси воситали тўлдирувчи сифатида “...дан”, яъни бирор жойдан” ёки “бирон вақтдан эътиборан”, “бирон вақтдан бошлаб” маъносини ифодалаши ўрта асрлар ва ҳозирги хитой тилида ҳам қўлланилади, бироқ, айнан “бирон шахсдан” ёки “кимдандир” маъносини ифодалаган ҳолатлари III–V асрларга мансуб манбаларда учрайди<sup>42</sup>.

在 олд кўмакчиси. Қадимги хитой тилида 在 “яшамоқ”, “мавжуд бўлмоқ” маъноларини ифодаловчи феълни ифодалаган<sup>43</sup>. III–V асрларга оид ёзма ёдгорликларда ушбу сўз олд кўмакчи сифатида учраши кам кузатилади.

向 олд кўмакчиси. Таҳлилга тортилган матнларда 向 олд кўмакчиси нутқ қаратилган шахсни ифодаловчи воситали тўлдирувчинини ифодалайди. 向 олд кўмакчиси ифодаланган воситали тўлдирувчи феълдан олдин қўлланилади ва одатда бу феъллар “тапирмоқ”, “етказмоқ”, “хабар бермоқ” маъноларидаги феъллар бўлади. Бундан ташқари, 向 олд кўмакчиси “сўрамоқ” маъносини ифодаловчи феъллар олдида ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда бу олд кўмакчи 从 олд кўмакчисига синоним функциясини бажаради.

共 олд кўмакчиси. Қадимги хитой тилида 共 олд кўмакчиси ҳозирги хитой тилидаги 一块 “бирга” равиши маъносини англатган<sup>44</sup>. III–V асрлар хитой оғзаки тили байхуа тилида ушбу 共 сўзи равиш функциясида ифодаланиши билан бирга, 与 “билан” боғловчи маъносини ҳам ифодалаган<sup>45</sup>.

<sup>41</sup>李佐丰. 古代汉语语法学. 北京. 2013年, 203页。

<sup>42</sup>古代汉语词典. 商务印书馆出版. 2016年, 221页

<sup>43</sup>古代汉语词典. 商务印书馆出版. 2016年, 1879页

<sup>44</sup>古代汉语词典. 商务印书馆出版. 2016年, 440页

<sup>45</sup>И.С.Гуревич. Предлоги в китайском языке III–V вв. н.э. //Страны и народы Востока. Выпуск XI. «Наука», Москва 1971 г., стр. 201



Қадимги хитой байхуа тилида транспозиция ҳодисаси, ҳозирги хитой тилида бўлгани каби, кўп кузатилади. Муаммонинг энг қийин томони шундаки, бошқа сўз туркумига мансуб бўлган сўзларнинг, айнан олд кўмакчи вазифасида қўлланилганлигини фарқлашдадир. Чунки, хитой тилида сўзнинг гапда эгаллаган ўрни, унинг синтактик хусусиятига кўра сўзнинг аниқ маъноси ва таржимасини тўғри ифодалаш имкони бўлади.

XII асрда Сюй Менси (徐梦辛) томонидан ёзилган “Уч сулола хукмронлигининг шимолий учрашувлари материаллари (三朝北盟会编)” номли асарида қадимги байхуага оид манбалар жуда кўп келтирилган. Мазкур манбада Шимолий Сун даври (тахминан 1120 йиллар)га оид манбалар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу сулоланинг дипломатик муносабатларига оид ёзишмалар жамланган<sup>46</sup>.

Бундан ташқари, ушбу манба Люй Шусян (吕叔湘)нинг “Хитой тили грамматикасига оид мақолалар жамланмаси”да ҳам, айнан қадимги хитой тилининг тадқиқини амалга оширишда қадимги хитой тили оғзаки нутқида оид манбалар рўйхатига ҳам кирилган<sup>47</sup>.

“Уч сулола хукмронлигининг шимолий учрашувлари материаллари (三朝北盟会编)”да 1117-1162 йилларда Сунг сулоласининг Дзин давлати (джурдженлар) билан харбий ва дипломатик муносабатларига оид ҳужжатлар жамланган<sup>48</sup>.

Ушбу манбада Сунг сулоласи элчиларининг баёнотларига оид материаллар жуда кўп киритилган, маълумотларда Дзин давлати ва Сунг сулоласи ўртасидаги музокалар асосан оғзаки тарзда олиб борилган, музокаралар тугаганидан сўнг, элчилар ёзма шаклдаги музокаларга оид қайдлар ёзиб қолдиришган. Музокаларнинг оғзаки тарзда олиб борилиши, айтишларда дипломатик музокаралар учун жуда муҳим бўлган. Сабаби, ёзма қайд этилган бирон мазмунни ўзгаритиш ёки талқин қилишдан, оғзаки айтилган бирон мазмунни ўзгартириш осон бўлган. Айнан дипломатик музокалар жараёнида оғзаки мухокама қилиниб, кейинчалик ёзма шаклда қайт этилган баёнот *yǔlù* 语录 яъни, “нутқнинг расмий ёзма баёни” деб юритилган.

<sup>46</sup>梅祖麟。《三朝北盟会编里的白话资料》，《中国书目季刊》，1980年，第14卷第2期。-8页

<sup>47</sup>吕叔湘。汉语语法论文集。北，1955年。第198页

<sup>48</sup>崔译文。《三朝北盟会编》言说概念场词汇系统研究。导师：戴伟。四川外国语大学

2013-04-01

硕士学位论文。2013年。



Элчилар орасида оғзаки олиб борилган музокалар байхуа тилида бўлсада, бироқ қоғозга туширилганда, яъни ёзма шаклга ўтишда, айрим жойларида, вэнянда қайд этилган. Бироқ, Мей Дзулиннинг эътироф этишича, Сун сулоласи вакиллари вэнянда мулоқот олиб борган бўлсалар, Дзин давлати (джурдженлар) асосан байхуада мулоқот олиб боришган.

Ушбу даврга мансуб бўлган икки асар (Сюй Менгситомонидан ёзилган “Уч сулола хукмронлигининг шимолий учрашувлари материаллари (三朝北盟会编)” ва Янг Джунглияннинг “Умумий кўзгу, бошқарувга ёрдамчи: хронологик тартибда воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш (续资治通鉴长编记事本末)”) илмий таҳлилини россиялик хитойшунос олим И.С.Гуревич<sup>49</sup> ҳамда хитойлик тилшунос олим Сюй Ши-и<sup>50</sup> олиб боришган. И.С.Гуревичга кўра, иккинчи манбада кўпроқ вэнян элементлари усутворликка эга, Сюй Ши-и эса ҳар икки манба вэнян ва байхуа аралаш қўлланилган деб ҳисоблайди. Бироқ, музокалар оғзаки мулоқот шаклида олиб борилган, кейинчалик ушбу музокараларни қоғозга туширишда вэнян элементлари ҳам қўлланилган деб эътироф этади.

Маълумотларга кўра, X асрга оид байхуага хос манбаларда илк бор 是 боғловчи феъли, 着 *zhao*, 了 *liao* каби феълларнинг замон кўрсаткичлари учраганлиги қайд этилади<sup>51</sup>.

Ҳозирги путунгхуада аниқловчини кўрсаткичи бўлган “...ган” ёки “...нинг” эгалик қўшимчасини ифодаловчи 的 морфемаси қадимги байхуада 底 морфемаси билан ифодаланган<sup>52</sup>. Аниқловчининг кўрсаткичи сифатида 底 қўлланилган бўлиб, ушбу факт 吕叔湘 Люй Шусянг ўзининг “汉语语法论文集 - Хитой тили грамматикаси назариясидан мақолалар тўплами” да таъкидлаб ўтган “XIII асрга қадар аниқловчи 底 билан ифодаланган” деган фикрига айнан мос келади<sup>53</sup>.

Ушбу манбаларда 家 морфемаси (қадимда бирон мавқега эга бўлган одамни ёки музокараадаги тарафни билдирган) ва кўплик қўшимчаси 们 ҳам фаоллиги кузатилади, 家 олмош ва от сўз туркумларининг бирлик шаклини

<sup>49</sup>И.С.Гуревич. Текст “Сан чао бэй мэн хуй бянь”: еще одна разновидность юйлу. //Письменные памятники Востока. 1(6)ю. Весна-лето., «Наука», Издательская фирма «Восточная литература», 2007 г., стр.110

<sup>50</sup>徐时仪. 汉语白话史. 北京大学出版社. 2015 年, 24页

<sup>51</sup>徐时仪. 汉语白话史. 北京大学出版社. 2015 年, 25页

<sup>52</sup>И.С.Гуревич. Текст “Сан чаобэймэн хуй бянь”: еще одна разновидность юйлу. //Письменные памятники Востока. 1(6)ю. Весна-лето., «Наука», Издательская фирма «Восточная литература», 2007 г., стр.113

<sup>53</sup>吕叔湘. 汉语语法论文集. 北京, 1955年, 52 页



ифодаласа, 们 кўплик шаклини ифодалайди. Ҳар икки ёрдамчи морфема олмош ва от сўз туркуми ифодалашда қўлланилади, масалан:我家Wǒjiā мен камина;你家Nǐjiā сен (шахсан); 自家Zìjiā ўзим咱zán ўз (шахсан); 主家Zhǔjiā хўжайин; 富人家Fùrénjiā бой; 自家们Zìjiāmen ўзимиз; 公们Gōngmen жаноблар; 郎君们Lángjūnmen мархаматли жаноблар; 使副们Shǐfùmen элчининг ёрдамчилари каби сўзлар.

家 морфемасидан ташқари, қадимги байхуа матнларида 人, 夫, 师·儿 каби морфемалар от сўз туркумига оид сўзлар ясалишида иштирок этади. Ушбу морфемаларни И.С.Гуревич “такрорланувчи элементлар” деб атайди<sup>54</sup>. Масалан: 傍人bàng rén – кўшни (ёнидаги одам); 贫人pín rén – камбағал, ночор (одам); 仙人xiānrén – донишманд (одам); 妇女人fùnǚ rén – аёл (одам); 贼人zéirén – ўғри (одам); 商人shāngrén – савдогар; 金师jīn shī – заргар; 陶师táo shī–чинни идиш ясовчи (кулол); 瓦师wǎ shī – черепица ясовчи; 傍夫bàng fū – кўшни; ҳамсоя; 田夫tiánfū – деҳқон; 小儿xiǎo'ěr – бола; 伎儿jì er–артист каби сўзлар.

“Кўриниб турганидек, 人, 夫, 师·儿 каби морфемаларни от ясовчи суффикслар деб эътироф этишимиз мумкин”- дейди Гуревич. Бироқ А.Каримов “Хитой тили назарий грамматикаси” дарслигида айтадики “агар морфема ўз маъносидан фарқли равишда сўз ясовчи суффикс вазифасини бажарса, демак шу морфема шу сўз доирасида сўз ясовчи суффикс бўлиб ясама сўзни вужудга келтиради. Лекин ўз маъноси билан сўз ясашда иштирок этса у лексик маъноли морфема сифатида кўшма сўз ясалишга сабаб бўлади”. Юқорида келтирилган мисолларни, биттасидан ташқари, ҳаммаси кўшма сўздир. Охирги мисолда: 伎儿jì er – артист сўзи ясама сўздир, 儿 иероглифи суффиксал морфема сифатида иштирок этади”<sup>55</sup>- дейди.

夫 морфемасининг грамматикализациялашувига оид хитойлик тилшунос Чен Баочин “Хитой лексикасининг шаклланиши ва эволюцияси (汉语词汇的生成与演化)” номли монографиясида қуйидаги фикрларни ёзади: “Мазкур иероглифнинг этимологияси қадимги тошбақа косалари ва хайвон суякларига ўйиб ёзилган қадимги ёзувларда ҳам учрайди. Қадимда ёш ўсмир

<sup>54</sup>И.С.Гуревич. Что считать словом в китайском языке III-Vвв? //Письменные памятники и проблемы истории культуры народов Востока. XII годичная научная сессия ЛО ИВ АН. Часть II. Моксва 1977 г. Стр. 239

<sup>55</sup> А.А.Каримов. Хитой тили назарий грамматика. Т., 2020



болаларнинг балоғат ёшига етганлиги, сочлари ўсиб, сочларини сочқисқич билан турмақлаб юришган ва буни夫 иероглифи билан ифодалашган. Ушбу сўз “балоғатга етган ўғил бола” маъносини англатган. Вақт ўтиши билан夫 иероглифи учинчи шахс кишилиқ олмоши “他 ва她 - у” ни , баъзан кўрсатиш олмошини ҳам ифодалаш мумкин бўлган<sup>56</sup>.

Ҳар икки манба (“Уч сулола хукмронлигининг шимолий учрашувлари материаллари (三朝北盟会编)”) ва Янг Джунгляннинг “Умумий кўзгу, бошқарувга ёрдамчи: хронологик тартибда воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш (续资治通鉴长编记事本末)”)да 彼bǐ ва 此cǐ кўрсатиш олмошлари билан бир қаторда байхуага мансуб 这 кўрсатиш олмоши гоҳида турли шаклларда учрайди: 这个, 这里, 这些, фақат бир мартагина 那 кўрсатиш олмоши учради.

**Хулоса.** Сўз туркумлари масаласида И.С.Гуревич асосий сўз туркумларидан олти турини ажратиб кўрсатади, хусусан: феъл, от, сифат, юклама ва сон сўз туркумига мансуб бўлган сўзлар<sup>57</sup>.

С.Е.Яхонтов қадимги хитой тилида асосий сўз туркумларига (ёрдамчи сўз туркумлари бундан мустасно) от, ўтимли феъл, ўтимсиз феъл, сифат, сон, кўмакчи (орт кўмакчи), равиш каби олти туркумга ажратади. Бунда, ўтимли феъл, ўтимсиз феъл, сифат, сон сўз туркумлари предикатив туркумига бирлаштирилиб, кўмакчиларни эса от ва предикатив ўртасидаги ўринни эгаллайди деб изоҳлайди. Бироқ, бу фақатгина қадимги хитой тилига оид бўлиб, айнан вэнян ёки байхуага мансуб эканлиги таъкидланмаган<sup>58</sup>.

Таҳлил этилган икки манба ( Уч сулола хукмронлигининг шимолий учрашувлари материаллари (三朝北盟会编)”) ва Янг Джунглян(杨仲良)нинг “Умумий кўзгу, бошқарувга ёрдамчи: хронологик тартибда воқеалар ҳақида батафсил ҳикоя қилиш” (续资治通鉴长编记事本末))да байхуа элементлари мавжуд бўлиб, улар икки бўғинли турли турдаги феъллар, от сўз туркумига мансуб икки бўғинли сўзлар, сифат ва равишлардир, масалан: 擒捕 qínbù “*тутиб олмоқ*”, “*ушлаб олмоқ*”; 进和jiànghe “тинчлик музокараларини олиб

<sup>56</sup>陈宝勤。汉语词汇的生成与演化。北京：商务印书出版。2011年， 329 页

<sup>57</sup>И.Т.Зограф. Части речи в среднекитайском языке (по памятникам средневекового байхуа)//Письменные памятники Востока. «Наука», Издательская фирма «Восточная литература». 2006 г., 165 бет

<sup>58</sup>Ўша манба, 164 бет





бормоқ”; 商议 shangyi “маслаҳатлашмоқ”; 攻破 gongpo “тор-мор этмоқ”, “мағлуб қилмоқ”; 杀败 shabai “йўқ қилмоқ”, “тор-мор этмоқ”; 犒军 kaojun “кўшинларни мукофотламоқ”, “рағбатлантирмоқ”; 整顿 zhengdun “тартибга солмоқ”, “тузатмоқ”, 交付 jiaofu “узатмоқ”, “топширмоқ”; 贪财 tancai “бойишга интилиш”, “фойда кетидан қувиш”; 酬答 chouda “миннатдорлик”; мукофотламоқ”; 举起 juqi “кўтармоқ”, “юксалтирмоқ”; 押取来 yaqulai “таровга олиб келмоқ”; 隔着 gezhao “яккаланмоқ”, ажралмоқ”; 事力 shili “куч”; 干戈 gange “қурол”; 世界 shijie “дунё”; 田地 tiandi “ер” “майдон”, “худуд”; 地土 ditu “ер”; 苦辛 kuxin “йўқотиш”, “азоб”; 人户 renhu “аҳоли”, “халқ”; 官人 guanren “амалдор”; 元帅 yuanshuai “кўмондон”; 道理 daoli “моҳият”, “соғлом фикр”; 容易 rongyi “осон”; 些小 xiexiao “майда”, “аҳамиятсиз”; 艰难 jiannan “мушкул”, “мураккаб”; 不久 bujiu “яқин фурсатда”, “шу орада”; 将次 jiangci “тез орада”, “тезда”; 永远 yongyuan “хеч қачон”, “доим”; 方才 fangcai “айнан”, “айнан ўшанда”; 然后 ranhou “сўнг”, “кейин”; 将来 jianglai “келгусида”, “келажакда”; 也须 yexu “ҳар ҳолда”, “барибир”; 一齐 yiqi “бирдан”, “биргаликда”<sup>59</sup>. Кўриб чиқилган сўзлар асосан, от, феъл, сифат ва равиш сўз туркумларига хос бўлган сўзлардир.

**Якуний хулоса.** Шундай қилиб, тўрт минг йилдан ортиқ хитой тили тарихига оид кўпгина олимларнинг фикрига кўра, қадимги хитой тили дейилганда мумтоз хитой адабий тили – вэнян назарда тутилади. Бироқ, хитой тилида ёзилган ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган ёзма ёдгорликлар ва манбалар бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, вэняндан ўзининг лексикаси ва грамматик табиатига кўра фарқ қиладиган оғзаки мулоқот тили – байхуа ҳам муомалада бўлган. Эрамиздан аввалги III асрдан бошлаб байхуа тилида ёзиб қолдирилган бир қатор адабий ёзма манбалар: бянвенлар, хуабен ва пинхуалари, джугонгдяолар, задзюйлардаги лексикага кўра, вэнян билан бир қаторда байхуа ҳам бўлган деб айтишимизга ва байхуа тилини учта катта даврга жаратишимизга асос бўлади: байхуа тилининг вужудга келиш даврини эрамиздан аввалги 207 йилдан эрамизнинг 618 йилигача бўлган давр; байхуа

<sup>59</sup>刘 坚 Лю Дзяннинг “近代汉语读本 Замонавий хитой тили хрестоматияси” китобидан олинган. 上海 Шанхай, 1988 йил.



тилининг ривожланиш даври 618 йилдан 1368 йилгача бўлган давр; байхуа тилининг етук даври 1368 йилдан 1911 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Байхуа тилининг вужудга келиш босқичида асосан Буддавийлик дини аҳкомлари, яъни пинхуа, бянвен ва юйлу жанридаги матнлар асосида илк хитой байхуа тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини ўрганишимиз мумкин бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Crump J.K. Some Problems in the language of the “ShinbienWudayShyyPijng-huah” (vol. 1-2).Doct.Diss.New Haven. Yale University, 1950 (unpubl).
2. Каримов А.А.. Хитой тили назарий грамматика. Т., 2020
3. Рифтин Б.Л.. Историческая эпопея и фольклорная традиция в Китае. М., 1970
4. Гуревич И.С.. Роль письменных буддийских источников для исследований в области исторической грамматики китайского языка. //Розенберговский сборник. Востоковедные исследования и материалы.С.-Петербург. 2014. Стр.157
5. Гуревич И.С.. Текст “Сан чао бэй мэн хуй бянь”: еще одна разновидность юйлу. //Письменные памятники Востока. 1(б)ю. Весна-лето., «Наука», Издательская фирма «Восточная литература», 2007 г., стр.110
6. Зограф И.Т. Части речи в среднекитайском языке (по памятникам средневекового байхуа).//Письменные памятники Востока. «Наука», Издательская фирма «Восточная литература». 2006 г., 165 бет
7. Махмутхаджаев М.Х., Туратова М.А..Хитой тили тарихий фонологияси. ТДШИ, Т., 2009 й., 54-бет
8. Хасанова Ф.М. Становление и формирование китайского языка байхуа как основа современного китайского языка. //“Шарқ машъали”. Т., 1/2022.
9. Khasanova F. Lexical and grammatical peculiarities of the language baihua within the classical chinese language – wenyan. // PHILOLOGY. International scientific journal № 6 (30), 2020. ISSN 2414-4452. P.- 14-20
10. Khasanova Feruza. The Role Of Baihua In Chinese Linguistics. // The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (TAJIIR). 2020. №10. SJIF: 5.498.
11. 崔译文。《三朝北盟会编》言说概念场词汇系统研究。导师:戴伟。四川外国语大学 2013-04-01 硕士学位论文。2013 年
12. 胡适《白话文学史》。武汉大学出版社。2014年。第14页
13. 江蓝生“古代白话说略”，语文出版社，2000年，第7页
14. 蒋绍愚。也谈文言和白话。  
：《清华大学学报：哲学社会科学版》2019年第2期。  
<http://lib.cqvip.com/>



15. 王力。汉语史稿。上册。中华书局，1980年，第5页
16. 徐时仪。汉语白话史。北京大学出版社。2015年，24页
17. 古代汉语词典。商务印书馆出版。2016年，221页

